

ШАРТНОМА № 8

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш ҳақида)

«09» декабр 2022 йил

Бекобод шаҳар

Металлург номли шаҳар шифохонаси бош врач **Стрыгина З.С.** юритувчи субъект, бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «**WORLD MED-TECHNICS GROUP**» МЧЖ раҳбари **Эргашев Э.А.** низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган маҳсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	ККС		Сумма ККС билан
						Ставқа	Сумма	
1	Лапароскопическая стойка	шт	1	347 478 260,87	347 478 260,87	15%	52 121 739,13	399 600 000,00
2	Большой набор хирургических инструментов	комп	1	52 086 956,52	52 086 956,52	15%	7 813 043,48	59 900 000,00
3	Наркозодыхательный аппарат	шт	1	173 826 086,96	173 826 086,96	15%	26 073 913,04	199 900 000,00
4	Операционная лампа двухкупольная	шт	1	60 695 652,17	60 695 652,17	15%	9 104 347,83	69 800 000,00
5	Электрический операционный стол	шт	1	60 695 652,17	60 695 652,17	15%	9 104 347,83	69 800 000,00
Жами:					694.782 608,69		104 217 391,31	799 000 000,00

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 799 000 000,00 (Етти юз туксон туккиз миллион) сум ККС билан.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. Қолган 70 фоизи «Сотиб олувчи» маҳсулотни қабул қилиб олгандан сўнг, 3 (уч) иш куни ичида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга ошириши лозим.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 45 (қирк беш) иш куни муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертфикати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари: Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 30 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,3 % миқдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 30 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 5 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,3 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 30 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни оголантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда оголантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олиншини кафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иктисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «09» декабрдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«WORLD MED-TECHNICS GROUP» МЧЖ


«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Бекобод шаҳар Тиббиёт Бирлашмасининг
"Металлург" номли шаҳар шифохонаси

Адрес: Ташкент шаҳар, Яққасарой тумани, Абдулла
Қаххор кучаси 4 проезд, 15уй.
р/с: 20208000105566608001
ХАТБ "ДАВР БАНК" Яққасарой филиали
МФО: 01069
ИНН: 309830567
Тел./факс: +998900021731

Раҳбар: Эргашев Э.А.

М.ў.



Адрес: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар

хр: 401722860274137073101054003
р/с Газна: 23402000300100001010
Банк: Марказий банк ХККМ Тошкент шах бўлими
СТИР: 201122919
МФО: 00014

Раҳбар: Стрыгина З.С.

М.ў.



Юрменкозев И.А. / И.Туррабоев



Bekobod shahar
"Metallurg" bomli shahar
shifohonasi bosh shifokori
Z.S.Strigina

Bekobod shahar "Metallurg" bomli shahar shifohonasi
bayonnomasi № 59

Bekobod shahar

«09» 12.2022 yil







Komissiya tarkibi:

Komissiya raisi: Ochilov Ya.T.
Komissiya a'zolari: Abdukarimova K.R.
Anarkulov D.A.
Tursunova Z.X.
Xolmuratova U.I.
Djurayev Yu.A.

KUN TARTIBI:

Bekobod shahar "Metallurg" bomli shahar shifohonasiga tibbiy asbob-uskunalarini sotib olish uchun 28.11.2022 yilda 800 000 000 (sakkiz yuz million) so'm miqdorida №22110012197458 -sonli lot nomerli tanlov bilan elektron portalga joylashtirildi. 5-dekabr 2022 yil soat 16:53 da e'lon muddati tugadi va kamissiya raisi va a'zolari tomonidan kelib tushgan takliflar baxolanib WORLD MED – TECHNICS GROUP MCHJ g'olib deb topildi. 2022-yil 6-7 dekabr ikki ish kunida muxokamada turdi va shu muddatda hech kimdan yozma e'tirozlar tushmaganligi sababli WORLD MED – TECHNICS GROUP MCHJ bilan shartnoma imzolandi.

Komissiya raisi
Komissiya a'zolari:


Ochilov Ya.T.

Abdakarimova K.R.

Anarkulov D.A.

Tursunova Z.X.

Xolmuratova U.I.

Djurayev Yu.A.

**197458 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

09.12.2022 09:21

Комиссия раиси:

OCHILOV YASHNAR TOSHTEMIROVICH